

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг
Ж О Н У Н И

ва асослар мавжуд бўлган ҳолат
интизомий жавобгарликка до
ишларини қўзғатиш тўғрисида қ
рор чиқарадилар.

(Давоми учинчи бетда).



Планетамизда

ХУҚУҚ УЧУН КУРАШ

ГАРБИЙ БЕРЛИН

Утган ҳафта ичида ГАРБИЙ Берлинда ишчиларнинг қўлаб ишдан бўшатишига қарши норозилик билдириш юзасидан забастовкалар, қизгин ирил-ишлар бўлди ва машинасозлик заводларининг корпуслари устига қора байроқлар тинилди. Мехнат ҳафтаси «Борзиг» норхозаси 6000 кишилик кол-лективнинг забастовкаси билан бошланди. «Диаг» фирмаси ишчиларининг забастовка ташаббуси ўнатишдан йилгилиш билан тавом бўлди. Ингиллизча ҳозир бўлган 1000 дан ортиқ ишчи бу заводнинг ГАРБИЙ Германия Киль шаҳридаги «Говальд-Верке» норхозасига қў-шилишига қарши қатъий норозилик билдирди.

Концернларнинг эгалари ва шахардаги буржуа матбуоти ишлаб чиқариш коллективлари ишсиз қолмади, деб даъво қил-ди, ишчиларни шундан кейинги ҳаракатлардан тийиб ту-ришга уриниб кўришди. Аммо ГАРБИЙ Берлин металлчилар касба союзи баёнот эълон қилди ва бу баёнотда шахар машинасозлик саноатида рўй берган ҳолатни шартнома «умидвор бўлиш учун ҳеч қан-дай асос йў» деб таъкид-лайди.

КАНАДА


6 сентябрда Канадада меҳ-нат кунини нишонладилар. Кана-данинг 100 мингдан ортиқ те-мир йўличи меҳнат кунинда эл-ли забастовка ўтказишга қар-рор берди. Аммо, Кебек ва Онтарио темир йўлчилари ўз-ўзларича ишни тўхтата бошла-дилар. Улар иш ҳақини оши-ришни талаб қилмоқдалар. Ка-надада бу йил кураш мисли кўрилмаган даржада кучайиб, кескин тус олди. «Канадиен трибюн» газетасининг ёзишча, қимматчиликнинг авж олгани-ги ва ишлаб чиқаришнинг ав-томатлаштирилиш натижасида ишчиларнинг ишдан бўшатила-ётганлиги забастовкалар бош-ланишига асосий сабаб бўлди.

ИТАЛИЯ

Мамлакатдаги учта энг йи-рин касба союзи бирлашмаси—умумий италиян меҳнат конфе-дерацияси, Италия меҳнатнаш-лари касба союzlари конфеде-рацияси ва Италия меҳнат со-юзининг қақиринига биноан, Феррара вилояти ишчи хў-жали ишчилари 24 соатлик за-бастовка ўтказдилар. Иш та-шувчилар ўзларининг моддий аҳволини яхшилайдиган янги меҳнат шартномаси тузилиши-ни талаб қилмоқдалар.

ЭКВАДОР

Эквадор меҳнатнашларидан икки мингга яқин киши Гуа-якиль шаҳри кўчаларида «Оч-лик юриши» ўтказдилар. Бу на-мойишни Гуакиль вилояти меҳ-натнашлар федерацияси та-шкил қилди. Намойиш охирида оммавий митинг бўлди. Митинг қатнашчилари мамлакатда авж ол-иб кетган қимматчиликка қар-ши чора кўришни ва иш ҳақини оширишни ҳукуматдан талаб қилдилар. (ТАСС).



Сенегал. Дамардаги Озодлик майдони ёнида барпо этилган маъмурий бинони кўриб ту-рибсиз.



Америка Қўшма Штатлари. Нью-Йорк кўчаларида бирида ишурмчилар либосини кийиб олган фашистин кайфиятдаги одамлар ўз митингини ўтказмоқдалар. Полициялар кў-бунга ҳеч қандай эътибор бермасдан утиб кетишди. Чунки бу ирқий намситиларга қар-ши уюштирилган норозилик намойиши эмас. Вьетнамдаги урушга қарши митинг эмас. Ма-на амалдаги Америка демократияси, ЮПИ агентлигидан олинган бу кадрда нацистлар-нинг Нью-Йоркдаги митинг тасвирланган. ЮПИ — ТАСС телефотоси.

АМЕРИКА КАПЕЛЛАНИНИНГ ЎЙЛАРИ

ХАЛҚАРО ТЕМАДА

«ти» деб арз-ҳол айтишмоқда. Камбагал капеллалар кун бўйи вертолётларда бир пунктдан иккинчи бир пункт-га бориб, жанг кетаётган ер-ларда «ҳафтага камда 50 марта дуо ўқишга» мажбур бўлмоқдалар.

Генерал «дуо ўқиш» де-ганда нимани тушунишни? Албатта Америка жаллозла-ри ва қонқўрларининг гуно-ҳини кечириб, шунингдек, халқ қасоскорларининг ўқи-дан жон берган ландскнехт-ларнинг «арвоҳ»ни шод ашулалари жўрлигида руҳ

ҚИЗИК ВОҚЕАЛАР

Макарон байрами

Италияда макаронни жуда яхши кўришади. Яқинда бу ҳуштарм овқат-нинг «точилишига» 750 йил тўлди. Италияликлар бу са-мани тантанали нишонлашга ва макаронни яратган ки-шига ҳайкал ўрнатишга қарор қилдилар.

Илон ва каламушлар

Бу воқеа Австралида со-дир бўлди. Шаҳарларнинг биридаги зоопаркда заҳарли илон сақланар эди. Уни оқ каламушлар билан боқилар-ди. Эпчил илон каламушлар-ни бирпасда ёб битирарди. Лекин бир гал кутлмаган воқеа юз берди. Овқат учун ташланган каламушлар илон-нинг ея бошлаганини кутиб ўтирмай, ўзлари ҳужумга ўт-дилар. Каламушлар кўп бўл-гани учун илонни шунчалки чақалон қилиб ташлашдики, у салдан кейин ўлди.

«Она»нинг кўнгли болада

Бир югославиялик деҳқон она-бела сигирини йўқотиб қўяди. Эртаси кунни қида-ришга тушади: ҳеч қарерда йўқ. Охири ҳафсаласи пир бўлиб қайтаётганида узоқдан итининг воулағанини эши-тиб қолади. Югуриб бора-са: сигирни каттагон дарахтга бир бўрини шох билан эгза-нича қимир этмай тиралоқ турган экан. Бузоғи эса бе-малол ўтлаб юрибди. Бўри бузоққа ҳужум қилмоқчи бўлганида сигир жон аччиғи-да уни сузиб, ҳатто эзиб ўл-дириб ташлаган бўлса ҳам, ҳар аҳтимолга қарши одам-лар келгунча дарахтдан бў-шатмай тураверган экан.



ИШОНЧ ОҚЛАНМАДИ

Футбол бўйича СССР Ку-боғи учун бўлаётган кураш-лар қизиқмоқда. Ишқибозлар-га маълумки, Кубок учун ў-казиладиган матлар Олим-пия системасида ўйнади, ютқизган команда кубок му-собоқаларига қатнашиш ҳу-қуқидан маҳрум бўлади. Ўт-ган кун Олессоннинг «Черно-мор» командаси ўз майдон-ида «Пахтакор» футболчи-ларини қабул қилди. 2:0 ҳис-обада голлиб келди ва ўлар-ни Кубок учун бўлаётган ўйинларга қатнашишдан маҳ-рум этди.

Пахтакорчилар Кубок учун курашларда доимо ютқизиб, биринчи ўйиндан қў-қадан чиқиб кетардилар. Ле-кин яқинда Москванинг Мар-казий армия спорт клуби футболчиларини ўз майдон-ларида мағлубиятга учрат-ганларидан сўнг «Пахтакор» мухлислари команданинг Ку-бок учун курашларига умид боғлаган эдилар. Афсуски, ишонч оқланмади.

Худди шу кунни футбол бўйича СССР Кубоғи учун яна бир матч бўлиб ўтди. Ярославль шаҳрининг маҳал-лий «Шинник» командаси ўз майдонида Ленинграднинг «Динамо» командасини ютди.

ТОШКЕНТ СЕЙСМИК СТАНЦИЯ.

Сейсмик станция апаратла-ри 25 август соат 5-у 23 ми-нутдан 26 август 15-30 минут-гача ер қимирлаганини қай-д қилмади.



Бугун республикамизнинг ба-зи районларида ҳавога бир оз булут чиқса, ёғингарчи-лик бўлмайди. Шимоли-шарқ-дан секундида 5-10 метр тез-ликда шамол эсиб туради. Хо-разон, об-ласт, Қорақалпоғистон АССР ва Фарғона водийсида 32-37, республикамизнинг қол-ган территорияларида эса 35-39 даража иссиқ бўлади.

Тошкентда ҳавога бир оз бу-лут чиқиб, ёғингарчиликнинг бўлмаслиги кутулади. Шимоли-шарқ томонидан секундида 3-7 метр тезликда шамол эсиб ту-ради. Ҳарорат 36-38 даражага етди.

дига малҳам бўла олмади. Германия Демократик Рес-публикасида чиқадиган «Уни-он пресседист» журналини-нинг гувоҳлиги беришига қара-ганда, яқинда генерал руҳ-онийлар еттишмаётгани ту-ғрисида яна арз-дод қилган эмиш.

Чарльз Браун бекордан-бекорга йитяпти. Ахир унинг «қийинчиликлари» фа-кат Жанубий Вьетнамдаги Америка интервентлари яшил либос кийганини, ён-қора либосга бурканганини, бундан қатъий назар туғ-қани туғрисида ахборот пай-до бўлди. Бироқ, фактлар-шунни кўрсатдики, янги куч-ларнинг келиб қўшилиши ҳам Чарльз Брауннинг дар-

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

РАДИО

БҮГҮН

ВИРИНЧИ ПРОГРАММА
7.55 — Медицина темасида.
8.25 — Концерт. 9.30 — Ўзбек халқ куйлари. 9.45 — «Говасой» чирочлари (тож.). 10.30 — «Кулган одам» балетидан сюита. 11.10 — Энга хизмат — олий ҳиммат. 11.25 — СССР халқларининг раке куйлари. 12.15 — Спорт эшитти-риши (рус.). 12.30 — Музикали салом. 12.30 — Украина радиоси эшиттириши. 13.30 — Концерт. 16.15 — Концерт (янги Тошкент-ни қўраётган ёшлар талабига му-вофиқ). 17.20 — Уйғур куйлари. 18.10 — Қўшиқлар. 18.30 — Тур-гун Алиматов чалади. 19.20 — Озарбайжон куйлари. 20.00 — Эстрада-рақс концерти. 21.20 — «Юки дил достони» спектакли-нинг монтажи. 23.10 — Концерт.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БҮГҮН

ВИРИНЧИ ПРОГРАММА
Ўзбек тилида: 17.00 — Мульт-фильмлар (болалар учун). 17.45 — Телевизион анималар.
Рус тилида: 18.00 — Телевизион анималар. 18.15 — Ф. Ранев-ская туғилган кунининг 70 йил-ги олданди. 19.45 — Жюрие Марьянович куйлади.
20.30 — Эртаги кун програм-маси.
Ўзбек тилида: 20.35 — Жаззах музикали драма театри. 22.20 дан — Москва кўрсатади (тажриба тарихида).

ТЕАТР

МУКМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 27/VIII да Қалам қошқини. 28/VIII да Тошболта ошии.

ХАМЗА НОМЛИ ЛЕНИН ОРДЕНЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА

2. 3 сентябрда ЯНГИ СПЕКТАКЛЬ Ўзбекистон халқ шоири Уйғун асарини.

ПАРВОНА

3 пардали драма. Ўзбекистон ССР халқ арти-сти Ш. Қанов, расом — Ўз-бекистон ССРда хизмат кў-рсатган санъат арбоби Г. А. Ви-зель. Спектакль ҳеч соат 8 да бошланади.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг

ФАЛСАФА ВА ҲУҚУҚ ИНСТИТУТИ

вакант вазифаларда ишлаш учун

КОНКУРС

ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Кафедра мудири — Фалсафа фанлари доктори, профессор, кафедра доцентлари — Фалса-фа фанлари кандидатлари, старший ўқитувчилари — Фал-сафа фанлари кандидатлари.
Конкурс мuddати — 12/IX гача.
Адрес: Тошкент шаҳар. Ака-демик Сулаймонова кўчаси. 33-уй.

2-УНСОЗЛИК КОМБИНАТИГА

Мостовой кран ирчиқлари, лар қозонлари ирчиқлари, слесар-лар, токарлар, номасорчи-лар, стропальчилар

КЕРАК

Мурожаат учун адрес: Тош-кент шаҳар. Қурилиш кўчаси. 42-уй. кадрлар бўлими. Теле-фон 7-25-81.

«Спецмонтажводострой» трестига қарашли

«МОСТОВОДСТРОЙ» ҚУРИЛИШ-МОНТАЖ БОШКАРМАСИГА Қороналлогистон АССР, Вухоро, Сирдарё ва Тошкент областла-рида ишлаш учун: элентромонтажчилар, алоқа линияси монтажчилар, мон-тажчи-слесарлар, сантехники-слесарлари, газосварчи-чилар, йиғма темир-бетон бу-йюлар ва металл қўруқчи-ларни монтаж килувчи мастерлар

КЕРАК

Мурожаат учун адрес: Тош-кент шаҳар. Бектемир посёл-киси. Новая жизнь кўчаси. 27-уй. кадрлар бўлими.

АФСОНА ВА ҲАҚИҚАТ

Ҳар бир киши яшаётган жойи, унинг номи тарихи ва келиб чиқишини билишни истайди. «Нега шахримиз ё қишлоғимиз шу ном билан аталган?» — деган саволга жавоб топилса неларди. Бир гуруҳ газетхо-лар редакцияга мурожаат қилиб, «Самар-қанд» сўзининг келиб чиқиши туғрисида маълумот беришни сўрайдилар. Қуйида шу саволга жавоб берамиз.

«Самарқанд» номиининг келиб чиқиши ҳақида кўп материаллар бор. Улардан бир ханчаси афсоналар тарзида оғиздан-оғизга ўтиб келган бўлса, бошқа бир қисми тари-хий манбалар орқали бизгача етиб келган-дир.

XVI асрнинг биринчи ярмида араб тари-хис Амин Аҳмад Розий томонидан ёзил-ган «Хафти нафис» («Бети яқин») асарида айтилишича, Аймак подшоҳи Набизнинг лаш-карбошларидан бири Самар Самарқандни қўлга киритгандан кейин уни бутунлай ха-робга айлатишга учун шаҳар номи «Самарканд» деб ўзгаририлди, араблар келгач «Самарқанд» деб аталаб кетган эмиш.

Самарқанд сўзининг тарихи ҳақида ке-нроқ фикр юритувчи асар «Самарқанд»-дир. Бу асарда Самарқанд шаҳрининг соли-ши, ички сабаблари Самарни аталган, ил-лим, ернинг тузилиши, ўсимлик ва то-ғлар, булоқлари, масжид ва мадрасалари ҳақида маълумот берилган. Асарда шаҳар-нинг нима учун Самарқанд аталганини сабабини баён этувчи бир қатор афсо-на ва фикрлар санаб ўтилган. Улардан бири қуйидагилар: «Варқон натижи» (бу фор-ча лугат китоби XVII аср ўрталарида Мах-муд бия Халф томонидан Хиндистонда ёзилган) шундай ёзади: «Ўшбу шаҳар Мовароуннахрдадир. Самарқанд «Самар-кент» сўзининг арабчалагани бўлиб, Са-мар қишлоғи демандир. Самар турк хонла-

ридан биринининг отидир. Қишлоқ эса туркчада «кент» деб аталур. Ушбу қишлоқ Самар томонидан солиниди. Замон ўтиши-ида шаҳарга айланди. Китебнинг эгаси шул сўзларни эсладур. Самар отлиқ бирор хон-ида Самарқанд бўлган ўринга (жойга) ўр-нашиб, кейин уй-жой солидириб, теваарига элди йинди. Шунга кўра ушбу шаҳар бош-да «Самаркент» деб аталди. Араб қўшини бу ерга келиб киргач, бу от бўлиб «Са-марқанд» бўлиб қолди.

«Самария» асарида келтирилган яна бир вариант кўра, Самар деган бир ишчи энг аввал шаҳар чеккасида бир булоқ қазиб, шу булоқ атрофида жойлашибди. Сунгра бошқа кишилар ҳам шу ерга келиб, ўйнаша бошладилар. Шу жой биринчи марта «Са-маркент» деб танилибди. Араблар келгач, «Кент» сўзи айтилишда ўзгариб «Самар-қанд» деб атала бошлади.

Маана шу юқорида кўриб ўтилган ма-наларнинг қўпчилигида «Самарқанд» сўзи «Самар» исми афсонавий бир подшо-ҳи хонининг номи тарзида тушунилади. Ма-салан, улардан бирида Самар араб шохи-нинг исми дейилса, яна бирида Самар эрон-шўрчининг номи деб кўрсатилади. Учинчи ва тўртинчиси эса Самарнинг туркий хал-қларда қишлоқ хон эканлиги айтилган. Бу ерда шунинг қайи натижи томонидан, мах-ш шу юқорида санаб ўтилган манбаларни туртасида Самарнинг 3 маънават подшо-ҳи сифатида тасвирланганини ўқиб реал ҳақиқатга асосланмаганини кўрсатади. Бунинг устига, Самар шу жойга биринчи бўлиб кўчиб келган киши сифатида ҳам тасвирланган.

Яна бир афсонага кўра, Самарқанд ша-ҳрининг асосчиси Исхандар Зулқарнайб

(Александр Македонский) эмиш. У ана-уна бинокорлар Самар ва Қамарга шаҳарни қурдириб, улар ўлгандан кейин қабрлари-ни шаҳар марказида жойлашган алоҳида алоҳида ҳужраларга қўйган эмиш. Ана шун-дан Самарқанд номи келиб чиққан эмиш.

Хуллас, бундай афсоналар жуда ҳам кўп. «Самарқанд» сўзининг келиб чиқиши ҳа-қида реал тарихга ва илмий далилларга асосланиб ёзилган манбалар ҳам йўқ эмас. Ана шундай манбалардан фикрлар бири-бирига ўхшайди, шунинг учун ҳам улар энг ишончли манбалар бўлиб ҳисобланади.

Масалан, Эрта Осиёдан чиққан буюк мута-факкир Абу Райхон Муҳаммад бин Аҳмад Беруний «Конуни Масудий» асарида шаҳ-рини номига тўхталиб, «Самарқанд тур-кий тилда САМРКАНД — матрийат ша-ҳарларидан бири» дейди. XI асрнинг етук тишуниси Махмуд Қошғарий эса «Самар-қандия» — деб ёзади «Девону лугатит-турк» асарида, — катталлиг учун СЕМР-КАНД — семиз шаҳар, дейдилар. Бунки форсилар Самарқанд тарзида қўллайди-лар». XIII асрнинг машҳур тарихчиси Ра-шидиддин ҳам «Самарқанд» «Семисеген» сифатида ёзган.

Шаҳар номиининг «СЕМРКЕНД» аниқлиги XV асрнинг тарихий йилномаси «Равнат-сафо» асарида ҳам тасдиқланади. Шунинг-дек, XV асрда Темир саройига келган испан элчиси Руй Гонзалесде Клавихонинг қў-далин дафтаридида «Самарқанд» сўзининг шаҳар номи сифатида олинганлиги сабаби-ни кўрсатиш учун «...шаҳарнинг асл номи СЕМРКЕНДТурдир. Яъни бой қишлоқ демак-дир. Уларча «семиз» — бой, «кент» эса қишлоқ. Ана шундан Самарқанд номи олинган» деган сатрлари бор.

Заҳириддин Муҳаммад Бобир ҳам Самар-қандни «Мугул ва турк улуси СЕМРКЕНД-дерлар» деб ёзади ўзининг ноидар асари «Бобирнома»да.

Тарихий манбалар афсоналар берган ма-ълумотлардан бутунлай фарқ қилади. Шун-нинг учун ҳам тарихий маълумотларнинг авторлари турли даврда йиғанлиги ва баъзилари бутунлай бошқа манлакатдан олинганлиги қарамай, бир-бирига мос бўлиб чиқаверди.

Демак, юқоридаги олимларнинг ҳаммаси бирдай исбот қилгандек Самарқанднинг асл номи «Самарқанд» экан, у қандай қи-либ «Самарқанд»га айланиб қолган? «Самарқанд» сўзининг СЕМРКЕНДдан келиб чиққанлиги фонетик лингвистик ҳусусиат исбот қила оладими?

Биз бу ерда иккиланмасдан Беруний ва Махмуд Қошғарийдек улур олимларнинг фикрига қўйишамиз. Чунки, биринчидан, бу етук сиймолар ўша давр ҳодиса ва во-қеаларининг гувоҳи бўлибгина қолмай, уларни илмий таҳлиладан ўтказганлар. Бу олимлар тил қонуниятларини ҳам жуда ях-ши билганлар, Иккинчидан, «Семизкенд» «Самарқанд» дейилишини исботловчи фонетик қонуниятлар ҳақиқатан ҳам бор. «Семизкент» сўзи «Самарқанд» тарзида сўзга «Самарқанд» формасида талаффуз қилина бошлаган.

Шунинг ҳам айтиш керакки, кўпгина олим-лар Самарқанд ҳозирги номи, олтунга налар Самарқанд, Сарамакна, Санана, Сам-Мам—Тен, Саманли, Мароқанда ситга-ри турли номилар билан аталаб келганлиги-ни айтидилар.

Самарқанднинг тарихи ўтилганда юқори-даги номларнинг ҳаммаси саналади-ю,

ленин улар қаторида дейдилар Самарқанд тарихининг кўри бўлган ва қадимий бай-рон қилинган Самарқанднинг номи «Афроси-ё» учрамайди. Ўзинингча, Самарқанд-нинг асли номи қандай гап борганда биринчи навбатда Афросиё номи ҳам қў-шиб айтилиши лозим.

Афросиё нима дегани? Академик В. В. Бартольднинг «Мир Али Шер ва сийси ҳаёт» деган асарида қў-риқилишича, Турон элидан чиққан афсонавий қаҳрамондир. Ленин Махмуд Қошғарий ва «Қутадгу билин» асарининг автори болосу-ланин Юсуф Хос Қошғарлар Афросиёни афсонавий қаҳрамон эмас, балки тарихий шахс сифатида тушутирадилар. Масалан, Махмуд Қошғарийнинг гувоҳлиги беришича, Афросиёнинг асл номи «алп Эртўнга»дир.

Юсуф Хос Қошғар эса Афросиёнинг ўзи асли машҳур турк бекларидан бўлиб, уни «Тўнга алп эрди», томилар эса яни Афросиё аюр (дир) олди» деб кўрсатади:

Бу турк бекларидан оти белгулун, Тўнга алп эрди, кутта белгулун, Тошқилар аюр ани Афросиё! Бу Афросиё олди алларини талаб. Алишер Навоий ҳам Афросиёни тарихда илаб ўтган подшо сифатида қуйидагича таърифлади:

Яна шохлиг қилди Афросиё, Вале қилди Эронинг бутини хароб, «Хамса»даги.

Самарқанднинг қадимги номилар ичиди энг аниқ Афросиё эканлигини тасдиқлаш учун шу далилларнинг ўзи кифойа бўлар деб ҳисоблаймиз.

Х. ДОНИЕРОВ, Самарқанд Давлат университетининг доценти.

У. НОСИРОВ, аспирант.

Редактор ўринбосари Х. НУРУЛЛАЕВ.

ТОШКЕНТ. «ПРАВДА ВОСТОКА» КҮЧАСИ № 26. Редактор — Б36545. Редактор ўринбосарлари — Б37914, Б39323. Матбуот секретари — Б34455. Матбуот секретари ўринбосарлари — Б37283. Партия турмуши — Б33469, Б37321. Марксизм-ленинизм назариясини пропаганда қилиш, халқро ҳаёт — Б31216. Коммунистик тарбия — Б31455. Санат, каллиграфия кўриш ва транспорт — Б34780. Совет қурилиши — Б33258. Қишлоқ хўжалики — Б37604. Адабиёт ва санъат — Б32026. Фал, мактаб ва олий ўқув юрлари — Б34451. Маҳаллий ахборот — Б32347. Оммавий ишлар ва халлар — Б39005, Б33553. Иллюс трация — Б34524. Стенография — Б37343. Корректур — Б37162. Эълонлар — Б38142. Коммутидор — Б30249, Б30250, Б30251, 030252, Б30253, Б30254, Б30255, Б30256, Б30257, Б30258.